



# ХАВАР

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 15 сентябрь, жума № 37 (420)

Сотувда нархи эркин

Тошкент электротехника алоқа институтида 1-курсга қабул қилинган талабалар билан учрашув бўлиб ўтди.  
Тадбирни институт ректори С. Қосимов кириш сузи билан

институт тарихи ҳақида, бу даргоҳдан етишиб чиққан ажойиб инсонлар ҳақида гапирдилар.  
Биринчи курс талабалари институтда сидқидилдан, яхши

## ТАЛАБАЛИК ШУНДАЙ БОШЛАНДИ

очди. У талабаларни янги ўқув йилининг бошланиши билан табриклар, уларга муваффақият тилади. Сунгра ўқув ишлари бўйича проректор А. Абдуазизов, Ўзбекистон тарихи кафедраси мудирини, профессор А. Абдунабиев, «Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси кадрлар бўлими бошлиғи Ш. Исамухамедовлар сузга чиқиб,

ўқишга, уларига билдирилган ишончини оқлашга тайёр эканликларини билдириб қасамёд қилдилар.

Тадбир сунгида талабалар ижросида концерт намойиш этилди.

**М. ИБРОҲИМОВА,**  
**ТЭАИ маънавий-маърифий масалалар бўлими услубчиси**

## ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИ ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ

«Қашқадарё почтаси» ҳиссадорлик жамияти, Қарши шаҳар почта филиали фаоллари ва бошқа идоралар иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Мажлисда «Қашқадарё почтаси» ҳиссадорлик жамияти директори У. Воҳидов бугунги кун воқеалари, ислом динини ниқоб қилиб юрган нопок шахслар тўғрисида сузлаб, шундай деди:

– Республикаимиз жанубида содир бўлаётган воқеалардан телевидение ва матбуот орқали хабардор бўлиб турибмиз. Кўз ўнгимизда рўй бераётган воқеаларни ваҳима билан эмас, ақл идрок ила чуқур таҳлил қилиб, Ўзбекистонимизнинг тин-

члиги учун курашишимиз керак.

Ушбу масала юзасидан Қарши шаҳар прокуратурасининг бош терговчиси Б. Тоштемиров, Қарши шаҳар Халқ Демократик партиясининг иккинчи котиби К. Карамова, меҳнат фахрийси, «Моҳир алоқачи» Б. Тулеев, ишчи-ходимлардан Р. Мавлонов, Р. Қиличева, М. Эркаевлар сузга чиқиб, ўз муносабатларини билдирдилар.

Ер юзидан она нафратига дош берадиган кўннинг узи йўқ. Жамоа оналари ваҳший, фикри-еди бузғунчиликдан иборат бўлган кимсаларга лаънатлар айтишди.

**ЎЗ МУХБИРИМИЗ**

## ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Тошкент алоқа коллежида «Диний экстремизм ва унинг иллатлари» мавзусига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси хузуридаги Тошкент ислом университети проректори А. Мансуров, Шайхонтоҳур тумани прокурорининг уринбосари М. Ҳамдамов, Кох-Ота Жоме масжиди имоми Ш. Фатхиддинов, Респуб-

лика «Камолот» жамғармаси матбуот маркази раҳбари А. Маъдиев ва бошқалар қатнашиб, ёшларни ҳар хил диний экстремизм оқимларига кириб қолмасликлари, тўғри йўлдан адашмасликлари ҳақида маъруза қилишди.

Учрашув сунгида талабалар билан қизиқарли савол-жавоблар бўлди.

**Қ. ТЕШАЕВ**

• Обуна-2001

## «ХАВАР»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

**Хурматли муштарийлар!**

Мана, дўппи бир айлангунча умр дафтарининг яна бир саҳифаси низоҳисига етмоқда. Янги обуна масъуми бошланмоқда.

Агар Сиз «Хавар»га яна обуна бўлсангиз, алоқа соҳасидаги жамки янгиликлар, муаммолар ва диққатга сазовор масалалардан ўз вақтида хабардор бўлиб борасиз.

Янги аср ахборот асри бўлади. Бу ҳақиқатни буюк бобомиз Алишер Навоий бундан кўп аслар муқаддам чиройли қилиб айтиб кетганлар:

**Эрусен шоҳ, агар огоҳсен сен, Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен.**

Бозор иқтисодиёти шароити ва Сизларнинг имкониятларингизни ҳисобга олиб, бу йил обуна баҳосини ўзгартирмадик.

«Хавар» газетасига 2001 йил учун обуна бошланди: Газетамизга барча алоқа бўлимларида ёзилиш мумкин.

Нашр курсаткичи:

Якка тартибдаги обуначилар учун – 227.

Ташкилотлар учун – 228.

«Хавар» газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума куни хонадонингизга кириб боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошилдинг!

## МАҚСАДИМИЗ – МУАММОЛАРНИ БИРГАЛИКДА ҲАЛ ҚИЛИШ

Янги асрга қадам кўяр эканмиз, алоқа соҳасидаги хизмат кўрсатиш кўлами ва сифатига талаб ҳам ортиб бораверади. Зеро сифатли алоқа хизмати шу соҳадан фойдаланишга интилаётган мижозларнинг кундалик эҳтиёжи ва истагидир.

Бу соҳадаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш фақатгина алоқа корхоналаригагина эмас, балки Давлат алоқа инспекциясига ҳам катта масъулият юклайди. Мухбиримиз бозор иқтисодиёти шароитида ДАИда олиб борилаётган ишлар ва режалар билан яқиндан танишиш мақсадида Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Муборак Ҳошимовна РУСТАМОВА билан сўхбатлашди.

– Муборак Ҳошимовна, Давлат алоқа инспекциясига бошлиқ бўлгананингизга ҳали кўп вақт бўлмади. Сиз узоқ йиллар алоқа соҳасида фаолият кўрсатган алоқачи сифатида айтингчи, шу қисқа фурсат ичида қандай ишларни амалга оширишга улгурдингиз?

– Тўғри, узоқ йиллардан бери алоқа корхоналарида фаолият кўрсатиб келаман. Шу боис ҳам эксплуатация масалаларини, ишлаб чиқариш жараёнида йўл қўйилаётган камчиликларни яхши тушунаман. Давлат алоқа инспекциясига ишга келганимдан кейин алоқа соҳасидаги камчиликларни урганиб, маълумот ва далилларнинг умумлаштирилиши ҳамда таҳлил қилиниши энг муҳим вазифалардан бири эканлигини янада чуқурроқ ҳис этдим. Шу билан бирга бу камчиликларни бартараф этишда, муаммоларни ҳал қилишда бизнинг ҳиссамиз етарли эмас деб уйлайман. Шунинг учун биз ҳозирги кунда акциядорлик компаниялари билан бирга муаммоларга жавоб топиш ва биргаликда ишлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Биз корхоналарнинг иш фаолиятига фақат курсатма бериш, танқид қилиш билан эмас, балки амалда қўлимиздан келганча ёрдам беришни муҳимроқ деб биламиз.

Инспекцияимизда энг қизгин ва масъулиятли иш жараёнларидан бири – маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш ишларини такомиллаштиришдир. Шунинг учун соҳада ҳар куни қайд этилаётган камчиликларнинг сабабларини аниқлаб, тизимлаштириб, тегишли корхона ва ташкилот раҳбариятига фақат курсатма бериш билан чекланмай, балки уларга амалий ёрдам беришни ҳам йўлга қўймоқдамиз. Балки бу ёрдам консалтинг хизмати ёки турли хил семинарлар, ўқишлар

ташкил этиш, тавсияномалар ишлаб чиқиш кўринишидаги янги услубдир. Бу вазифа корхонаимизнинг муҳим режаларидан бири.

– Корхонаимизда мижозлар билан ишлаш қандай йўлга қўйилган?

– Ҳозирги кунда Давлат алоқа инспекциясида йўлга қўйилган истеъмолчилар билан ишлашнинг эскича усули бизни қониқтирмайди. Истеъмолчиларга турли хил анкета, суров варақалари тарқатиб, уларнинг алоқа хизматида бўлган эҳтиёжлари нечоғлик қондирилганлигини аниқлаб, тегишли акциядорлик компания, корхона ва ташкилотларга тавсиянома ҳамда курсатмалар тайёрлашнинг янгиланган иш дастурини тузганмиз. Биз алоҳида телефон ажратганмиз. Истеъмолчилар ўз таклифлари, узоқ вақтдан бери ечимини топа олмаётган масалалар бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

– Бу телефон «Шикоятлар телефони» бўладими?

– Йўқ, бу «Ишонч телефони» бўлиб, асосан мижозларимиздан таклиф-мулоҳаза йиғиш учун қўлланади. Бу ҳақда тегишли хужжатлар тайёрланяпти. Агар шикоятлар тушса, уларни ҳам ечиш учун керакли, зарур чораларни куришга кумаклашамиз.

– Танқид фақат агентлик тасарруфидаги корхоналарга эмас, балки ДАИ корхоналарига қаратилса, унда масала қандай ҳал этилади?

– Саволингизни тушундим. Давлат алоқа инспекциясида ҳам жуда кўп камчиликлар бор. Шу боис, аввало ўзимизга талабчанликни сувайтирмайсизми дегим лозим. Ходимларнинг билими ҳозирги кун талабларига тула жавоб берадиган бўлиши керак. Афсуски, ҳозирги пайтда ходимларнинг билими, савияси ҳар хил. Шу йилнинг декабрь ойида ходимларимизни аттестациядан ўтказиб, талабга жавоб берайдиган, мунтазам ўз малакасини оширмайдиган ходимларга нисбатан керакли чора-

ларни кураимиз.

– Ҳозирги кунда алоқа соҳасига янги телекоммуникация тармоқлари кириб келмоқда ва замонавий алоқа иншоотлари қурилмоқда. Ходимларингизнинг тайёргарлиги, кенг қўламли алоқа миқёсида назоратни амалга оширишни таъминлаш қандай кечмоқда?

– Тўғри, соҳага янги, илгор ва юксак технологик жараёнларни амалга оширадиган мукамал техникалар кириб келаётир. Биз бу техник қурилмаларни ишлатиш, уларни назорати ҳамда алоқанинг тезкор ва сифатли ишлашига доир маълумотларни ўз кузимиз билан қуришимиз лозим эди. Ушбу режани амалга ошириш мақсадида телекоммуникацияси ривожланган давлатлар тажрибасини ТАСИС дастури кумагида Европанинг иккита мамлакатига каминга ва икки нафар мутахассис ходимимиз билан бориб урганиб қайтдик. Биз бу билан тажриба алмашиш ва малака ошириш дастурларимизни тўхтатиб қўймасдан, шартнома асосида Тошкент электротехника алоқа институти билан ҳамкорликда инспектор ва муҳандислар малакаси ҳамда савиясини оширишни йўлга қўйиш мақсадида ўқув дастурларини тайёрлаётимиз. Шу билан бирга янги кириб келаётган технологиялар тўғрисида мутахассис-ҳодимларимизга мустақил маълумотлар берилмоқда.

– Билимми, етук ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ҳамда уларни тарбиялаш ҳар доим энг долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Шу хусусда фикрингизни билмоқчи эдим.

– Мутахассислар малакасини ошириш, керакли тадбирларни йўлга қўйиш мақсадида биз алоҳида кадрлар бўйича менежер штатини киритиб, унга тажрибали бир ходимни ишга олиш ниятимиз бор. Хуллас, режаларимиз катта. Уларни ижро этиш алоқа соҳасидаги ишимизда унум бўлади. Режадаги ишлар ҳамкорликда, қанчалик тез ва қатъият билан амалга оширилса, соҳада иш сифатини яхшилашга эриша оламиз.

**И. ОМОНОВ**  
сўхбатлашди

«Сурхондарё Телеком» шўба корхонаси Денов филиалининг Гулистондаги АТСга кириб борганимизда куннинг иссиқлиги ва хонанинг димлигидан қора терга боғлан бўлишига қарамай, ёшлардек чақонлик билан кроссда кроссировка қилатган кишига дуч келдик. Бу киши катта муҳандис Султон ака Нуруллаев экан. Бизни куриб, ишни тухтатди ва уэр сўраб, саломалик қилди. Менинг «Хабар» газетасидан келганлигимни эшитиб, юзларидаги терларни артирди, утиришга таклиф этди.

Султон ака билан эски қадрдонлардек бўлиб қолдик: Сўхбатимиз ҳам самимий тус олди. У кишидан алоқачилик фаолиятлари, ёшларга айтмоқчи бўлган гаплари ва «Хабар»га муносабатлари ҳақида сузлаб беришларини сурадим.

— Ешим 58 га борди, — дея гапга тунди Султон ака. — 1960 йили мактабни тугатиб, жамоа хужалигида электромонтур бўлиб ишга кирдим. Кейин Тошкент алоқа техникумига (ҳозирги Тошкент алоқа коллежи) ўқишга кириб, уни 1964 йили тугатдим. Асли деновикман, шу сабабли ҳам ўқишни тугатган, Деновга ишга юборишларини сурадим. У вақтларда коммуаторлар, декадали-одимлаб ишловчи АТСлар буларди. Мен ҳам АТС-47 русумидаги шундай АТСда иш бошладим. Мутахассислар етишмас эди.

Станциядаги барча ишларни, АТСнинг энг оддий нозозлигидан то энг мураккаб нозозликларигача ўзимиз аниқлаб, ўзимиз бартараф этардик. Станция ишига тааллуқли биронта жиддий камчилик тузатилмагунча иш вақти тугадими, йўқми, уйга кетишни ҳаёлимизга ҳам келтирмас эдик. Тез кунда АТС билан «Бемалол «тиллашадиган» бўлиб қолдик.

1970 йиллардан соҳага АТСларнинг янги авлоди — координат тизимдагилари кириб кела бошлади. Деновда ҳам АТСК — 100/2000 русумидаги иккита АТС урнатилди, умумий сигими 4000 абонентга мўлжалланган станция ишга туширилди. Кичик сифимли АТСК — 50/200 русумидагилари ҳам кўплаб урнатилди. Энди координат тизимидаги АТСларни жадаллик билан ва пухта урганишга тўғри келди. Бугунга келиб эса алоқа техникасининг яна янги авлоди тармоққа кириб келмоқда. Жаҳондаги ривожланган давлатларнинг замонавий рақамли электрон АТСлари бизнинг Деновда ҳам ишлаб турибди. Шундай қилиб, камина биргина телефон станцияларининг бир-биридан тубдан фарқ қиладиган туртинчи авлоди билан юзма-юз турибман.

Сиз куриб турган мазкур стан-

ция АТСК — 100/2000 русумидаги АТС бўлиб, Венгрияда 1987 йили ишлаб чиқарилган. У Бухоронинг Пешку туманида 1988 йили ишга туширилган ва ун йил ишлаган. Пешкуда электрон АТС урнатилган, шу ерга келтирилган. Бухоролик ҳамкасбимизга ҳам офарин. Ун йил ишлатилганига қарамай, станция жуда яхши ҳолатда экан. Раҳбарларимиз станцияни олишга ва шу ерда урнатишга қарор қилишди. Ўзимиз демонтаж қилиб, тўғри шу ерга олиб келдик. Монтаж, созлаш ишларини ҳам ўзимиз бажардик. Яқинда ишга туширдик ва абонентларни улай бошладик. Йил охиригача 1000 та телефон улашиши режалаштирилган. Тақдир экан, бутун умрим шу касб билан чамбарчас боғлиқ эдим. Бошқа касбни ҳам, бошқача ҳаётни ҳам тасаввур қилолмайман. Одамларга хизмат курсатиб, уларнинг узоғини яқин, оғирини энгил қи-

## ● Фахрийлар — фахримиз

# БУ МЕҲНАТ ХОЛОС



лаётганимдан кўнглим тоғдек кутарилади. Касбимдан фахрланаман ва шу касбни танлаганимдан яратганга шукрлар қиламан. Соҳага кириб келатган ёшларга ҳавасим келади. Мустақиллик тўғрисида давлатларидан давлатларидан бўлиб, дунёнинг турли мамлакатларидан келган мутахассислар билан бир сафда энг замонавий алоқа техникасини урганишмоқда. Уларга ишларида сабот, матонат ва муваффақият тилаб, касбларига садоқатли бўлишларини истардим.

«Хабар» газетасига келсак, газетани мунтазам ўқиб бораман. Газета орқали соҳада юз бераётган янгиликлардан хабардор бўлиб тураман. Баъзан газета саҳифаларида эски қадрдонлар, курсдошларим номларини ўқиб қоламан. Бундай пайтларда жуда қувониб кетаман ва

«Хабар»чиларга ҳам раҳмат айтим келади.

Султон ака бир нуқтага тикилганча жим бўлиб қолди. Мен ҳамроҳларимга қарадим. — Султон ака бизнинг ота-хон алоқачимиз, Корхонамизнинг фахри. Султон ака бор жойда тартиб, интизом бор. Ишга муносабат ҳам ибрат бўладиган даражада, — дейди «Сурхондарё Телеком» шўба корхонаси Денов филиалининг директори Урол Жуманов.

— Бу киши то манадаги муҳандис. Уз ишларини жуда пухта биладилар. Вилоятдаги АТСлардан биронтасида жиддий нозозликлар чиққан вақтларида ҳеч рад этмай бориб тузатиб берган вақтлари жуда кўп бўлган. Юсак эъозга лойиқ одам, — деб қўшиб қўйди «Сурхондарё Телеком» шўба корхонасининг техник директори Мусурмон Раимов.

Заҳматқаш алоқачи, камтарин инсон Султон аканинг сержамиз умрига ҳавасим келди. Ҳаёлимдан кўраи заминни афсонадаги ҳўкизлар эмас, Султон акадай фидойи, меҳнатқаш, оддий одамлар кутариб туради деган фикр ўтди.

**Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ**  
сўхбатлашди

**Суратда: С. Нуруллаев**  
иш устида.  
**Муаллиф суратга олган**

## ● 2000-йил — «Соғлом авлод йили»

# МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Юртбошимиз ташаббуси билан 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши биз алоқа ходимлари зиммасига ҳам кенг қўллади вазифалар қўлади. Бу вазифаларнинг асосий йўналишларини Президентимиз аниқ белгилаб берди. Унда соғлом авлодни тарбиялашга, юсак умуминсоний қадриятларга асосланган ҳаётий уринга эга бўлган маънавий бой, ахлоқдан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсини шакллантиришга йўналтирилган вазифалар уз аксини топган. Бу вазифалар корхонамиз ва унинг таркибидagi филиаллар ҳамда алоқа бўлимларининг ҳар бир ишчи-ҳодимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ишчи-хизматчилар ва ёшларни соғлом, баркамол қилиб устиришга оид масалалар жамоа шартномалари ва келишувларига киритилган бўлиб, унда фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тулгунга қадар аёлларга қўшимча нафақалар тўлашни таъминлаш, ишловчи аёллар учун ҳомиладорликнинг 6 ойидан бошлаб таътил бериш, кўп болали (16 ёшгача бўлган, 4 ва ундан кўп нафар) аёлларнинг оила маоши сақланган ҳолда иш вақтини 1 соатга қисқартириш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш каби вазифалар урин олган.

Соғлом онадан — соғлом фарзанд дунёга келади. Соғлом авлод Давлат дастурида ҳам бўлгуси она саломатлигини мустаҳкамлаш,

уларни турмушга тайёрлаш асосий мақсад қилиб қўйилган. Бу соҳада ҳам бирмунча ишлар қилинди.

Кам таъминланган, кўп болали, ҳомиладор, касалман ҳодимларга даволаниш ва дам олиш масканларига йўлланмалар бериш кўчайтирилди. Бундан ташқари оилада ҳуқуқий тарбияни мустаҳкамлаш, оила ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича савол-жавоб кечалари, маърузалар, давра сўхбатлари ва уррашувлар ҳар бир шаҳар, туманлар филиалларида мунтазам равишда ўтказилиб бориюмоқда. Бундай хайрли ишларни амалга ошириш учун корхона ҳисобидан тегишли маблағлар ажратилди.

Айни кунларда «Ўзбекистон почтаси» ДАКнинг шу йил 24 апрелдаги 22-сонли «Соғлом авлод» Давлат дастури тўғрисида»-ги буйруғининг жойларда қандай бажарилаётганиги урганиб чиқилмоқда. Ҳиссасдорлик жамиятимиз таркибидagi 12 та шаҳар, туманлар филиалларининг ҳар бир ишчи-ҳодимлари ва раҳбарлари зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис қилиб ишлаётганликлари муваффақиятларимизнинг асосий омилли бўлмоқда. Бу борада айниқса Наманган шаҳар, Косонсой, Учқўрғон ва Поп филиалларида олиб борилаётган ишлар ибратлидир. Бундан бунён ҳам юртимиз келажак, унинг равнақини таъминловчи етук ва соғлом авлодни вояга етказиш борасида бутун билим ва тажрибаларимизни сафарбар этаверимиз:

**Баҳодир БОЛТАБОВ,**  
«Наманган почтаси» ҲЖнинг  
умумий бўлим бошлиғи

«Қашқадарё почтаси» ҳам уз навбатида ёш ҳиссасдорлик жамияти. Қарши шаҳар почта филиалининг 17-аўлақа бўлимида меҳнат қиладиган Зулайҳо Қаюмова уз касбини ардоқлаб келатган заҳматқаш алоқачилардан ҳисобланади.

## ОТА КАСБИНИ УЛУҒЛАГАН ҚИЗ

— Бу касбга кўнглимда меҳр уйғотган асли раҳматли отам Исан Қаюмов булади дилар, — дейди она. — У киши умрининг 38 йилини алоқа соҳасига бағишлаган. Шу сабабдан бўлса керак, мен ҳам шу касбни танладим ва қарийб 30 йилдан бери алоқа соҳасида меҳнат қилиб келяман.

Зулайҳо она нафақат ишда, балки оилада ҳам бахти кулган онадир. Турмуш уртоғи Гулом ака ҳам эл-юрт хизматида. 2529-автокорхона хўжалигида ҳайдовчи бўлиб ишлайди. Уғли Гофуржон эса автобус паркида ходим, яна бир уғли Шўхратжон ота касбини танлаб, эл-юрт учун хизмат қиладиган бўлса, қизи Раъно урта мактабда ўқиш билан биргаликда алоқачилик сирларини урганишга ҳаракат қилмоқда.

Зулайҳо онага 1970 йили раҳматли Амина Раҳматова, М. Нечаева ва бошқалар устозлик қилиб, операторлик сирларини ургатишган. Она

ҳам уз навбатида ёш алоқачиларга устозлик қилмоқда. Чеккан заҳматлари зое кетмади. Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирлигининг «Фахрий ёрлиғи» ва бошқа мукофотлар билан тақдирланди.

Мустақиллигимизнинг 9 йиллик байрами арафасида Зулайҳо она Ватан мукофоти тига сазовор бўлди. Қарши шаҳрида почта алоқасининг операторлик ишларини олиб бориш билан бирга ёш авлод онгига миллий истиқлол гоъларини сингдириш, уларни ватанга, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашдаги хизматлари инобатга олиниб, Республика Президенти Фармонига биноан «Шўхрат» медали билан тақдирланди.

«Қашқадарё почтаси» ҳиссасдорлик жамиятининг барча ишчи-ҳодимлари Зулайҳо Қаюмовани Ватанимизнинг юсак мукофоти билан чин дилдан қўтлаб, у кишига узоқ умр, сиаҳт-саломатлик, бахт-саодат, оилавий фаровонлик, алоқа соҳасидаги ишларида ҳамisha омад ёр бўлишини тилаб қолади.

**Р. ҚИЛИЧЕВА,**  
Қашқадарё вилояти

## РЕСПУБЛИКАМИЗ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, Электромагнит мослашув маркази огоҳлантиради:

Республика ҳудудида олиб қирилган, сотувда бўлган ва ишлатилаётган рухсатномасиз радиоэлектрон алоқа воситалари (радиотелефон, радио узатгич, радиостанциялар) мусодара қилинади ва уларни олиб қирган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини руйхатдан ўтказиш ва республика ҳудудида олиб қириниш учун рухсатнома расмийлаштириш масаласи бўйича Электромагнит мослашув марказига мурожаат қилишингиз мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 117-уй.**  
**Телефонлар: 137-63-67, 137-63-68.**



Бобурийлар салтанати 300 йилдан кўпроқ давом этди. Ҳиндистон давлати равнақида бобурийлар сулоласи катта роль ўйнади. Дунёдаги етти та муъжизалардан бирини қурдирган ҳам шу авлод вакилидир. Ана шундай муъжизалардан бири Тож Маҳал қасридир.

Бобурийлар авлодидан Султон Шоҳ Жаҳон Тож Маҳални бунёд этиб, Агрнинг шухратини оламга ёйди. Муҳаббат қасрининг яратилиш тарихи қандай бўлган? Аржуманд Бону бегим ун тўққиз ёшида шаҳзода Гурам (келажакда Шоҳ Жаҳон)нинг иккинчи хотини бўлган. Аржуманд Бону—Мумтоз шаҳзодаанинг севимли рафиқаси, оғир ва суронли йилларда яқин сафдоши бўлган. Уша даврдаги тож-тахт талашшилар, қиргин-баротлар бу иккала севишганларни синовдан ўтказди. Улар бир-бирига қаттиқ боғланиб қолади.

1627 йили Шоҳ Жаҳон тахтни эгаллаганидан сўнг Мумтоз Ҳиндистон маликасига айланади. Шоҳ Жаҳон рафиқасини ниҳоятда қаттиқ севав, ҳурматини жойига қуяр, унинг шарафига катта-катта тантаналар ўтказар эди. Уни еру-қукка ишонмасди. Мумтоз тўққиз фарзанд

қуради. Шаҳзода фарзандларини яхши кўрарди. Бироқ Мумтоз унинг учун ҳамма нарсадан устун эди. Аммо тақдирнинг бевафолигини қарангки, 1636 йили Мумтоз тусатдан касал бўлиб, вафот этади. Шоҳ Жаҳонга бу айрилик қаттиқ таъсир қилади. У беҳуш бўлиб ётиб қолади.

## МУҲАББАТ ҚАСРИ

Ниҳоят узига келиб, фарёд чекиб, «Эй парвардигор чидаб бўлмас бу мусибатга бардош бермоқ учун узинг мадад бергил!» деди. Юракдан отилиб чиққан бу сузлар кейинчалик Мумтоз маликанинг қабр тошига ёзиб қўйилади. Шоҳ Жаҳонни давлат ишлари ҳам қизиқтирмай қўйди. Унинг учун дунё батамом тугагандек эди. Уйлай-уйлай у бу аҳволда узини хароб қилишини тушуниб этди. Севимли рафиқаси мумтоз ўлими олдида Шоҳ Жаҳонга ўз муҳаббатларига муносиб мақбара қуришни васият қилганди. Шоҳ Жаҳон ана шу васиятни бажаришга киришди.

Турк меймори Устод Муҳаммад Исохон Афанди бошчилигида 20 минг биндор, тош-йунувчи, заргарлар-

дан иборат усталар мақбара қуришни бошлаб юборишди. Оқ мраммрдан, беш гумбазли, деворлари қимматли рангли тошлардан мозаика билан безатиб ишланган машҳур мақбара бунёд этилди. Турли эл-элатларнинг вакиллари бу муҳаббат қасрини қарийб йигирма йил давоми-

да қурдилар.

Шоҳ Жаҳон Исохон Афандига шундай амр этганди: «Сен гўзал ойнинг шаффоф нурини тошларга сингдир, ёруғ юлдузлар шуъласидан деворларга нақшлар чиз. Шундай кашфиёт айлагинки, кўёшнинг само бўйлаб ҳаракатига қараб бу гўзал севги қошонаси турли рангга қириб, биллурдек товлансин. Турли рангдаги ҳақиқ, лаъл, марварид, садаф, зумрад, забаржад, қахрабо, ёқут ва бошқа қимматбаҳо тошлардан шундай инжа нақшлар ишлагилки, ишқ-муҳаббат, меҳр-садоқат туйғулари уларга жон киритсин. Агар билсанг, севги ноёб туйғудир, у Оллоҳнинг меҳри тушган қишигагина насиб этгусидир».

Тож Маҳал қуриб битказил-

гач, Шоҳ Жаҳон узи учун айнан шундай, лекин қора мраммрдан ишланган мақбарани Жамна дарёсининг нариги қирғоғида барпо этишга киришди. Режага мувофиқ ҳар икки мақбара бир-бирлари билан қора ва оқ мраммрдан ишланган кўприк орқали боғланиши керак эди. Аммо Шоҳ Жаҳоннинг бу режаси амалга ошмай қолади. Чунки унинг уғиллари узаро тахт талашшиб, бир-бирлари билан қурашардилар. Бунда Аврангзеб ғолиб чиқади. У отаси Шоҳ Жаҳонни ҳибсга олиб, Лаъл қалъага ташлайди. Шоҳ Жаҳон умрининг охириги йилларини Мумтоз учун қурдирган мрамм саройда ўтказди. У Муссамон Бари минорасидан туриб, Тож Маҳални доимо кура оларди. Аврангзеб отаси улғач, васиятга мувофиқ унинг жасадини Тож Маҳалга, Мумтоз ёнига қумишни буюради. Нечанча йиллар, асрлар ўтса ҳамки ушбу муҳаббат қасри инсониятни ҳайратга солиб келмоқда. Ҳар йили бу муқаддас жойга оила қураётган минглаб ҳиндистонлик ёшлар келиб зиёрат қилишади. Улар учун бу жой табаррук масканга айланган.

Иzzат АХМЕДОВ  
тайёрлади

## ҲАҚИҚАТНИ КИМ ГАПИРАДИ?

Шон-шухрат – тутун, муваффиқият – тасодиф! Бу заминдаги яккаю-ягона ишончли нарса – фақирлик!

«Садоқат» сузи кўп зиён келтирди. Одамлар мингларча адолатсизликлар ва қонунсизликларга «содиқ» бўлишга ургатилдилар. Ҳолбуки, улар фақат уларига содиқ бўлишлари лозим эди, ана ўшанда улар алдовга қарши исён кўтарардилар.

Ҳақиқат – энг улуг бойлик, уни тежаш керак.

Мана бу мақолга эътибор беринг: «Ҳақиқат гўдаклар ва ақлсизлар тили билан гапиради». Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Демак, катталар ва ақли расо одамлар ҳеч қачон ҳақиқатни гапирмайдилар.

Ҳамиша ўз хатоларинг буйингга ол, бу бошлиқларнинг ҳушёрлигини сусайтиради ва янги хатоликлар қилмоқ имконини яратади.

Ҳеч қачон номуносиб одамга ҳақиқатни айтма.

Мақтов ҳамиша одамни хижолатга солади: нима дейишинг билмайсан, керакли сузларни тополмайсан. Ахир мақтов гапларга жавобан нима ҳам дейиш мумкин? Мени жуда кўп мартаб мақтадилар, мен ҳамиша хижолат чекдим. Мен ҳар сафар бундан ҳам кўп мақташлари мумкинлигини сезиб турдим.

Марк ТВЕИ

● Бу — қизиқ!

## ГАННИБАЛЛАР АВЛОДИДАН

Симферополлик муҳандис Л. А. Норден Александр Сергеевич Пушкин уруғидан эканлигини ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Тадқиқотчи А. М. Бессонова бу далилни илмий асосда исбот қилиб берди. У шoirнинг бо-бокалони, Петрнинг машҳур «араби» – А. П. Ганнибал шажарасини кўп йиллар урганиб, унинг жаҳоннинг турли мамлакатларида яшайдиган олти юзга яқин авлоди борлигини аниқлади.

Лекин уларнинг ичидан ўз аждоди – Ҳабашистон князининг ўғли тарихини биладиганлари оз. Уша ўғил турк султони саройида тарбияланган ва XVIII асрнинг бошларида Константинопольдан Россияга олиб кетилган эди. У подшо Петр ҳузуринда ўн йилдан кўпроқ камердинер, хизматкор ва секретарь бўлиб ишлаган ва кейин ҳарбий муҳандисликка ўқигани чет элга

кетган. Унинг ўғли А. О. Ганнибал буюк рус шoirининг бобоси бўлган.

Норденларни Пушкин билан қариндошлик тарихи эса ўтган асрнинг ўрталарига бориб тақалади. Ушанда аждодларнинг бири – врач А. Г. Норден шoirнинг холаваччасига уйланган. Уларнинг ўғиллари Владимир ва Андрей юрист бўлишган. Л. А. Норденнинг ўзи мана 30 йилдан бери автопассажирлар ташувчи идорада хизмат қилиб келади. Унинг ўғли бўлса ренгенолог врач бўлиб етишди. Набиралари ким бўлиб етишаркин? Буни айтишга шошилмаймиз. Уларнинг каттаси Денис мактабда ўқийди. Кичиги Андрей атиги 4 ёшга кирган.

– Улар ким бўлиб етишмасин, аждодларга доғ туширмай, Ватанга ушалар сингари садоқат билан хизмат қилишларига аминман, – дейди Л. А. Норден.

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

**Бош муҳаррир:**  
Шодмон ОТАБЕК

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Шомансур ОБИДУЖАЕВ  
Шухрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ  
Иzzат АХМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
(Масъул котиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Қуролбой ТўЛЕБОВ  
Ёқубжон ХўЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**  
Саидмахмуд АКБАРОВ  
Шохрух АКБАРОВ  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ  
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Бобохон ШАРИФ

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700000  
Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.



**ТЕЛЕФОНИМИЗ:**  
136-36-42, 136-35-29,  
144-29-09.  
Факс: 136-36-42.  
ИНДЕКС: 64600  
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


Тахририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 00011.  
Буюртма № Г-742.  
5757 нусхада чоп этилди.  
Офсет усулида босилди.  
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.**  
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 19.00  
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6



Бухоро. Минораи Калон.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Хабар» газетаси жамоаси тахририятимиз ҳайъати аъзоси, «Матбуот тарқатуви» акциядорлик компанияси бош директори **Рустам ҚОСИМОВ**ни туғилган куни билан самимий табриқлайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, алоқа соҳасидаги ишларида муваффақиятлар тилайди.

«Хабар» газетаси жамоаси газетамизнинг фаол муаллифларидан бири, «Ўзбекистон почтаси» ДАК бош директори уринбосари **Абдусаттор ОРТИҚОВ**ни туғилган куни билан чин кўнгилдан қўтлайди. Унга сиҳат-саломатлик, оилавий хотир-жамлик, ишларида омад, ижодий илҳом тилаб қолади.